

СЪЕЗДАН СЪЕЗДАЧА ПАРТИЯ БУЛГАН ЖОЙДА МУВАФФАҚИЯТ БОР, ҒАЛАБА ЖОЙДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИКА БОШЛАГАН № 11 (7401). 16 январь, 1981 йил Ж У М А Баҳоси 2 тийин.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Бугун Тошкент область коммунистларининг йигирманчи, юбилей конференцияси очилади. КПССнинг, Ўзбекистон Компартиясининг жанговар отрядларидан бири булган пойтахт области партия ташкилоти ўзининг катта анжуманига гоёвий жиҳатдан янада чиниққан, ташкилий мустаҳкамланган, ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг янги тажрибаси билан боғлиқ ҳолда келди.

Область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич ташкилотлар, совет ва ҳўжалик органлари аввалги конференциядан буён ўтган даврда бутун эътиборини XXV съезди, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг кейинги қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўрсатмаларини изчил амалга оширишга қаратдилар. Улар олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий-оммавий ишлар туфайли областимиз экономикаси ва маданияти янги юксакликка кўтарилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми беш йил ичида деярли 1,3 марта ўсди, хоҳир у йилга 6 миллиард сўмликдан ортиқни ташкил этади. Беш йиллик планга кўшимча 674 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Меҳнат унвдорлиги 19,1 процент ўсди. Янги маҳсулот ўсшининг 72 проценти ана шу кўрсаткич ҳисобига бўлди.

Областимизда 230 та саноат корхонаси беш йиллик план-тошириқларини муддатдан илгари бажарганини тўғрисида рапорт берди. Саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишида эришилган ютуқлар ишчилар, инженерлар, мутахассислар ижодий фаоллигининг, ишлаб чиқариш резервларидан тўлароқ фойдаланиш, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш учун социалистик мусобақа янада амалдорлигининг натижасидир.

Ушунинг беш йиллик давомида «Сифат беш йилликка ишчи кафолати», «Қоқларнинг, самарали, юксак сифат билан ишлайтилиши», «Еш ишчи — мураббийга тенглаштириш», «XXVI съезда 26 зарбдор ҳафта» ишлари остидаги мусобақалар кенг ёйилди. Ишлаб чиқариш илгирларининг беш йиллик давомида ишчи беш йилликни бажариш тўғрисидаги талаб-бузи оммавий тус олди. Областнинг 3,5 миңдан ортиқ меҳнаткаш ишчининг икки беш йиллик иланиши бажарганини тўғрисида рапорт берди.

Лекинча аграр сиёсат изчил амалга оширилганини натижасида 1930 йилда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг янги маҳсулоти 1975 йилдагига нисбатан 36 процентга кўпайди. Беш йиллик планга кўшимча даялатта 192 миң тонна пахта, 42 миң тонна қанон пояси, 196 миң тонна дон, 724 миң тонна сабзавот, 3,7 миң тонна гўшт, 74,4 миң тонна сут, 70 миллион донага яқин тухум, 1589 тонна жуи ва 1768 тонна пилла сотилди. Бу юксак кўрсаткичларга шонли қишлоқ ҳўжалиги ходимларининг қаҳрамонона меҳнати, партия ташкилотларининг қўйилган мақсадга эришиш учун одамларни жисслиштириш ва сафарбар эта билганини туфайли эришилди.

Бу ўринда Бўка район партия ташкилотининг қимматли иш тажрибаси эътиборга ва қўллаб-қувватлашга лойиқдир. Бу районда ўшунинг беш йиллик давомида пахта ҳосилдорлиги 9,5 центнер ошди, бўкаликлар «оқ олтин»нинг янги ҳосиллини 34 процент кўпайтиришга эришилди.

КПСС Марказий Комитети Бон секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг область меҳнаткашларига чорвачиликни ривожлантириш юзасидан йўллаган ҳати партия комитетлари, совет, ҳўжалик органлари ҳаётида улкан сафарбарлик ролини ўйнади. Эндиликда биз шуни мамнуният билан айта оламизки, область чорвадорлари партия ва Ватанга берган ваъдаларини шараф билан бажардилар. 1980 йилда чорвачиликни ривожлантиришга юксак сураятларга эришилди. Областимиз чорвадорлар ўртасида ўтган йилги республика социалистик мусобасининг голлиби деб тошилди.

Область партия ташкилоти идеология иши самардорлигини ошириш, голий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни, коммунистик гоёвийликни шакллантиришнинг ўзининг муҳим вазифаси ҳисоблаб келди. Ҳисобот даврида партия сафларини ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, партия сафлари жанговарлигини ошириш борасида катта ишлар қилинди.



А. ҲОЛИҚОВ чизган плакат.

АКТИВЛИК ВА ИШЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

ФАРҒОНА, 15 январь. (ЎзТАГ). Фарғона область партия ташкилотининг XX конференцияси бугун ўз ишнини тамомлади.

Обкомнинг биринчи секретари Х. Умаров область партия комитетининг ҳисобот докладини қилди. Ҳисобот докладидан ва делегатларнинг нуқдаларидан КПСС Марказий Комитетининг ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Лениннинг Сиёсий бюросининг партия XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш, совет ишчиларининг фаровонлигини юксакликка етказиш, ер юзидан тинчликни сақлаш соҳасидаги фаоллиги қизгин маълум қилляди.

Конференция делегатлари Фарғона область икромия комитети раиси А. Рустамовнинг КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришининг 1981—1985 йиллари ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXVI съездидаги лойиҳаси ва область меҳнаткашлари олдига турган вазифалар ҳақидаги докладини ҳам муҳокама қилдилар.

САМАРҚАНД, 15 январь. (ЎзТАГ). Область партия ташкилотининг XX конференцияси бугун ўз ишнини тугатилди. Делегатлар обкомнинг биринчи секретари Б. Р. Раҳимовнинг область партия комитетининг иш тўғрисидаги ҳисобот докладини ва Самарқанд область икромия комитети раиси С. Ҳамроқулловнинг мамлакатни иқтисодий ва

социал ривожлантиришининг 1981—1985 йиллари ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳаси тўғрисидаги докладини муҳокама этди, бажарилган ишларни янгилаштирилди, янги марказлар белгиладилар.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. И. Гурев нуқта сўзлади. Конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг маъсул ходими В. В. Сахаров қатнашди.

Конференция Самарқанд область партия комитети ва ревизия комиссиясининг янги составини, КПСС XXVI съездида ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида делегатлар сайлади.

Самарқанд область партия комитетининг бўлиб ўтган ташкилий пленумида Б. Р. Раҳимов область партия комитетининг биринчи секретари, В. Н. Кусеенов иккинчи секретари, Х. Н. Нормуродов, А. Мухаммадулов, П. М. Абдураҳмолов обкомнинг секретарлари қилиб сайландилар.

УРҒАНЧ, 15 январь. (ЎзТАГ). Ҳоразм областининг меҳнаткашлари КПСС

XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездининг мусоиб кутуб олини учун ўтказилганга социалистик мусобақадан актив қатнашмоқдалар. Бугун ўз ишнини тамомлаган XX область партия конференциясининг нагашчилари шу ҳақда гапирдилар. Обкомнинг биринчи секретари М. Худойбергенов область партия комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Конференция делегатлари КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришининг 1981—1985 йиллари ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» ҳақида партия XXVI съездида лойиҳаси тўғрисидаги докладини ҳам муҳокама қилдилар. Область икромия комитетининг раиси К. Сапоев шу ҳақда доклад қилди.

Конференцияда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нуқта сўзлади. Конференция ишида КПСС Марказий Комитетининг маъсул ходими М. Л. Ишнов қатнашди.

Конференция область партия ташкилотининг раҳбар органларини, КПСС XXVI

БУГУН ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ХХ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛАДИ

КОНФЕРЕНЦИЯ ДЕЛЕГАТЛАРИГА А ЛАНГАЛИ САЛОМ!

БИЗ ПАРТИЯ АЪЗОСИ ДЕГАН НОМНИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИНИ ЮҚОРИ, ЮҚОРИ ВА ЯНАДА ЮҚОРИ КЎТАРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШИМИЗ ПОЗИМ.

В. И. ЛЕНИН.

ОЛМОС УҒҚЛАР

Равон йўллар, сарни еллар субҳидам, Фарҳабх, дармонли сафарларимда. Каерга йўл олмай, қўйғуш шод надам. Оламнинг чиройи назарларимда. Бу олам — дийрим, олмос уфлар, Жаҳоний меҳр-ла қуйлаб борамиз, Парвоз айлаб дилдан янграқ қўшиқлар, Элим иқболни ўйлаб бораман. Хотира айёми чархи гурдундир, Умр йўлларини унутмас асло. Едимда йилларим, шонли мазмундор.

Тарихни таърифлаб сўзлайди дунё, Шарафли ҳар хонув тупроғи гавҳар, Қадимий чўлланининг икки аҳсоми. Муаллим нафасин уфурар еллар, Йўлларни антия, ажиб бўстони. Саломат чинқанда қўёш эрталаб, Баҳор кўрки билан жилмаяр дийр. Уни зебо айлаб, олға қадамлаб, Янги гул бахтига борар шиддаткор. Нўд ишон ҳаётин сарҳисобидир, Тонг билан бошланар ёрқин жанзилар.

Эл ашмин тарихи бахт чинқобидир. Олтин дарфал билан ёзилган йиллар. Йўлларга қарайман она ер бўйлаб. Топе янгидаги янграқ, равон. Ҳар бири тулшавлар тарихини сўйлаб, Дилларга бахш айлар севинч бир жаҳон.

Бирини қадимий, бирини янги, Марди майдоқларнинг олтин роҳидир. Хаёлда кечак тўзонлар чанги, Асрий кумликлар ўтмин гувоҳидир. Мардлар меҳри билан яқини йироқ, Яхлит чаманзорга айланган у қун. Қирларда, тоғларда парпираб қироқ, Сахарлар—жасорат майдони, гулгун. Йўллардан ўтгайлар тортар хаёлим, Ҳар бири забардаст, жумард пахтакор.

Элим дер «Шулардан олтин жамолим, Шулар билен жангу қучетман баҳор».

НАЗАРМАТ.

ЧОРВАДОРЛАР РАПОРТИ

Калинин районидagi Оқубобоев номли қўйчилик совхоз чорвадорлари область партия конференцияси очилганда кун арафасида даялатта гўшт тошириш бўйича ярим йиллик план бажаришга эришди.

Калинин районидagi Оқубобоев номли қўйчилик совхоз чорвадорлари область партия конференцияси очилганда кун арафасида даялатта гўшт тошириш бўйича ярим йиллик план бажаришга эришди.

Калинин районидagi Оқубобоев номли қўйчилик совхоз чорвадорлари область партия конференцияси очилганда кун арафасида даялатта гўшт тошириш бўйича ярим йиллик план бажаришга эришди.

СССР Олий Совети Президиумининг ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Ш. С. АББАСОВГА «СССР ХАЛҚ АРТИСТИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет кино санъатини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун «Ўзбекфильм» киностудиясининг режиссёри ўртоқ Шўҳрат Солиҳовни АББАСОВГА «СССР халқ артисти» фахрий унвони берилсин.

СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. БРЕЖНЕВ

СССР Олий Совети Президиуми Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1981 йил, 14 январь.



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК

ОММАНИНГ ЕТАКЧИСИ

Чирчиқликлар областимиз коммунистларнинг бугунги олий анжуманига ёруғ юз билан келдилар. Утган беш йилликда улар эришган ютуқлар, партия XXV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида бажарган ишлари бунинг ёркин далилларидир. Учинчи беш йилликда шаҳар партия ташкилоти ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, иш сифатини яхшилаш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, ҳўналик, ташкилий-партиявий, голий-тарбиявий ишлар билан боғлиқ масалаларини комплекс ҳал қилишга катта эътибор берди.

Шаҳар саноатчилари ўчинчи беш йиллик топиригини мўддатидан илгарини бажардилар. Беш йиллик охиригача планга қўшимча 28 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Ишлаб чиқариш ҳажми аёвонги беш йилликдагига қараганда 470 миллион сўмга кўпайди. Утган беш йилликда саноат қорхоналарида 4900 дан ортиқ тошқилий-техникавий тадбир амалга оширилиб, 24 миллион сўмлик иқтисодий самара олинди. Қорхоналарда 46 та механизациялашган поток линия, 1280 та янги асбоб-ускуна ўрнатилди, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ярим янгиланди. Ихтирочи ва рационализаторларимиз ҳам ўчинчи беш йиллик план топириқларини муваффақият билан бажарилишига катта ҳисса қўшдилар. Уларнинг ташаббуси билан 12 мингдан ортиқ ихтиро ва рационализаторлик тақлифи ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Амалга оширилган тадбирлар беш йиллик мобайнида меҳнат унумдорлигини 14 процентга ошириш имконини берди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўстирилиши 90 процентига унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Учинчи беш йилликда 18 та цех ва участка реконструкция қилинди ва техник жиҳатдан қайта ускуналанди. Қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатиде уйсозлик цехи реконструкция қилинди. Бу йилга темир-бетон биюмлар ишлаб чиқаришини йилга 8 минг куб метрга ошириш имкониятини яратди.

Партия ташкилотларининг доимий ҳаммулкчилиги туфайли капитал қурилиш соҳасида катта ўзгаришлар юз берди. Халқ ҳўжалигининг бу муҳим соҳасида раҳбарлигини тақомиллаштирган шаҳар партия комитети муҳим объектларда берча проблемаларини оператив равишда ҳал этиш учун штаблар ташини қилди. Айниқса қаеро-лантам ишлаб чиқариш комплекс қурилишда партия шта-

йиллар ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездида лойиҳаси омманинг меҳнат кўтаринқилигини ошириб юборди. Барча меҳнатқошлар, коммунистлар очқ партия йўналишларида, коллективларда бўлиб ўтаётган мажлисларда ҳўжжати муҳоама қилиб яқдиллик билан маъқулламоқдалар. Лойиҳада тилга олинган улкан истиқбол режалари ҳар бир чирчиқликни янада катта зафарлар сари ундапти.

КПСС Марказий Комитети лойиҳасидан руҳланган меҳнат коллективлари ўз зиммаларига янги оширилган социалистик мажбуриятлар олмақдалар. Жумладан, «Электрхимпроом» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективини ўз зиммасига 1981 йилга мўлжалланган социалистик мажбуриятларини қабул қилди. Мажбуриятларда асосий йўналишлар лойиҳасида белги-ланган вазифаларга асосан ишлаб чиқариш ҳажми бўйича йиллик плани мўддатдан илгарини, 27 декабрда бажариш ва қаеро-лантам комплекс қурилиш ўлаштириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришини 54,2 процентга кўпайтириш мўлжаллангандир.

Қорхонада меҳнат унумдорлиги 37,4 процентга ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажми 95 процентга ошди. Пландан ташқари 10 минг тонна элминик, 40

Чирчиқликлар 1984 йилнинг 1 майгача, шаҳар ташкил топан қурилиш 50 йилнингча «Коммунистик меҳнат ва турмуш шаҳар» деган юксак унсонга эришишга азму-қарор қилганлар. Шунинг ўзиде ун биринчи беш йиллик Чирчиқ меҳнатқошлари ҳаётнда алоҳида босқич бўлиб қолшини кўрсатиб турипти. Шаҳар партия ташкилоти, бошланғич партия ташкилотлари бутун куч ва имкониятларини бу вазифаларини муваффақият билан бажаришга сафарбар этдилар.

П. ЮСУПОВ, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари.

Тошкент область партия ташкилоти Ўзбекистон Компартиясининг жанговар отрядларидан биридир. У ўз фаолиятида партиянинг беш йўлини оғишмай амалга ошириб келмоқда. Коммунистик қурилишнинг ҳажми соҳаларида эришялаётган ютуқларимиз область партия ташкилоти раҳбарлигида қўлга киритилмоқда.

Пойтахт области коммунистлари ўзларининг XX юбилей конференциясига КПСС Марказий Комитети ва унинг Сибсий бюроси теварагига маҳкам жипсланган, голий жиҳатдан чиниққан ва этилган ҳолда, омма орасида



Тошкент области коммунистлари ўзларининг энг илғор, энг актив сафдошларини партия конференциясига делегат қилиб сайлаганлар. Сурада: конференция делегатларидан «Никола» заводи йиғувчиси З. Каттабекова (чапдан), Социалистик Меҳнат Қўрамонлари — Тошкент районидан «Ўзбекистон ССР 50 йилгига» колхозини сўт тақриб-намак йиғрув фабрикаси ишчиси М. Фрунова, Коммунистик районидан «Прада» колхозини механикатори К. Топшоев ва «Лавташкентстрой»нинг 13-трести бригада бошлиғи Т. Самиев ўроқлар. А. Мальцев фотоси.

ТУХФА

ЯНГИЙУЛ районидан Калинин номи колхоз чорвадорлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездининг муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани қизғин ажв олдириб, катта меҳнат галабасини қўлга киритдилар. Хўжалик давлатга гўшт сотини бўйича ун биринчи беш йилликнинг дастлабки йили биринчи яригига белгиланган халқ ҳўжалик планини бажарди. Эл дастурхонига 246 центнер гўшт тортиқ қилинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 25 центнер кўпидир. Гўшт тайёрлаш ярим йиллик планининг қисқа мўддат бажарилишини бурдоқига акратилган молларини боқининг намунали ташкил этилганлиги самарасидир. Давлатга гўшт учун топириқланган ҳар беш қорамолнинг тиринк ваани 410 килограммин ташкил этди. Молларини ялдил семантиришда О. Нурматов ва Б. Қўчқоров каби бурдоқбоқарларнинг хизмати, айниқса, катта бўлди. Ўн охиричи беш йилликнинг биринчи йилида давлатга камда 500 центнер гўшт етказиб берини мажбуриятини олган колхоз бурдоқбоқарлари КПСС XXVI съезди очилмадан қунгача эл дастурхонига яна 100 центнер гўшт тортиқ қилишни мўд-жаллашяпти. М. ПИСЕНОВ.

5 ЙИЛДА 14 ЙИЛЛИК ПЛАН

Зоя ПОБЕДИНСКАЯ, Ўзбекистон қаттиқ қотишмали ва иссиқда чидамли металлургия комбинати велочилигини, СССР Давлат мукофоти лауреати.

Коллективимиз 1981 йили дадил қадамлар билан бошлади. Ҳозирги кунда барча участкаларда партиянинг XXVI съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа яна ҳам кенг қулоч ёймоқда. Қорхонамизда ишчилар 14 йўналиш бўйлаб мусобақалашиммоқда. Мусобақага ҳар ҳафтада яқун ясаиб, голболлар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмоқдалар.

Меҳ партиянинг XXV съезди арафасида бир беш йилликда икки беш йиллик топиригини бажариш юзасидан ташаббус бошланган эдик. Бу ташаббусга ён-атрофимиздаги ишчилар ҳам қўшилипти. Натияжа ёмон бўлмади. Вазданнинг устидан чиқарилган учун станокларга хизмат кўрсатиш зонасини уч баравар кенгайтирдик. Нормадан саккизта уринга 24 та станокни бошқаришга киришдик. Шунинг учун ҳам беш йилликда салкам ун турт йиллик топиригини бажаришга муваффақ бўлдик.

ЮКСАЛИШ РАҚАМЛАРИ

Учинчи беш йилликда областимизда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1,3 баравар ошди. Планга қўшимча 674 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. Эндиликда йилга тайёрланаётган маҳсулот 6 миллиард сўмликни ташкил этмоқда. 230 та саноат қорхонаси учинчи беш йиллик топириқларини мўддатдан анча олдин адо этди. Беш йиллик даврида 594 та цех ва участкада ишлаб чиқариш комплекс ме-

МЕХНАТ БАХТ БАҒИШЛАЙДИ

Маҳмуд МУҲИДНОВ, «Ташсельмаш» заводи слесари, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты.

Областимиз коммунистларининг бугунги анжуманига ҳамма қатори мен ҳам қўшонч билан келдим. Утган беш йиллик мен учун ҳам, қорхонамиз учун ҳам катта муваффақиятлар даври бўлди. Биринчи ўтган йилнинг унда пойтахт область пахта дазаларида етиштирилган ҳосилининг 85 процентдан ортиғи бизнинг заводимизда яшлаб чиқаришга машиналар ердимида териб олинганлигини фахрланаман.

«Ташсельмаш» марнаси билан чиқетган серурум, кўп қаторини ва гўрт қаторини пахта терини машиналарининг шўхрати фақат республикамиздагина эмас, чет элларда ҳам кенг ёйилган. Бизнинг маҳсулотимизга йилдан йилга талаб ошмо боляпти. Учинчи беш йилликда 43 мингта янги пахта терини машинаси қорхона қонвейеридан тушиб, дала-ларга йўл олди. Беш йиллик съезди очилмадан қунгача биринчи квартал планини адо этиш учун ҳаракат қилинган. Пахтақорларга камта-рин меҳнатини билан навад-кор бўлиш менга катта бахт бахш этди.

ОЛМАЛИК МЕТАЛИ — ВАТАНГА

КОМБИНАТИМИЗ мамлакатимизнинг йиринк рағли металлургия қорхоналаридан ҳисобланади. Ўз сафига шиглаб турли ялдил вақилларини бирлаштирган аҳил ва ишқ коллективимиз она-Ватан ўхтиёжларини учун кўплаб рағли металлургия етказиб бермоқда. Заммасига юлталитган вазифани чуқур ҳис қилиб ишламоқда. Шу туфайли ҳам ишлаб чиқариш муттасил кенгайиб бермоқда, илти-жуз ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланиш, маъдан соф металл ажратиб олиш коэффициентини ошириб боришга эришмоқда.

Саноат маҳсулоти 130% 1980й

100% 1975й.

Пахта /минг тонна/ 484 1980й.

430 1975й.

Уй-жойлар қурилиши 1980й.

7 млн. кв. метр

1975й.

